



# YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/2



# MUNDARIJA

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY  
HUQUQ. MA’MURIY HUQUQ.  
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- |   |   |
|---|---|
| <p>12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.<br/>TADBIRKORLIK HUQUQI.<br/>OILA HUQUQI.<br/>XALQARO XUSUSIY HUQUQ</p> | <p><b>6 БОТИРОВ ХУРШИД ИЛЁС ЎҒЛИ</b><br/>Парламент тадқиқот хизматлари<br/>фаолиятининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили</p> <p><b>14 НЕМАТОВ ЖЎРАБЕК НЕМАТИЛЛОЕВИЧ</b><br/>Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов<br/>ҳуқуқлари бузилганини түғрисидаги ариза<br/>(шикоят)ларни кўриб чиқиш тартиби</p> <hr/> <p><b>24 ЮСУПОВ ЖАСУРБЕК МЭЛСОВИЧ</b><br/>Общая характеристика plagiat как<br/>правонарушения и его виды</p> <p><b>32 ЭРКАБАЕВА ШАХНОЗА ИКРОМЖНОНОВНА</b><br/>Командитное товарищество как институт<br/>инвестирования: законодательство и практика<br/>применения Федеративной Республики<br/>Германия</p> <hr/> <p><b>42 БАБАКУЛОВ ЗАФАР<br/>КУРБОННАЗАРОВИЧ</b><br/>Товар белгисига нисбатан манфаатдор шахс<br/>талабларининг илмий ва амалий таҳлили</p> <hr/> <p><b>56 ДАВЛЕТОВ ЎТКИРБЕК МАТМУРОТОВИЧ</b><br/>Харбий суд: кеча ва бугун</p> <p><b>66 ИБРАГИМОВ ДИЁРБЕК ШУХРАТ ЎҒЛИ</b><br/>Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик<br/>ижроси устидан прокурор назоратининг<br/>ҳуқуқий асослари</p> |
|---|---|

12.00.07 – SUD HOKIMIYATI.  
PROKUROR NAZORATI. HUQUQNI  
MUHOFAZA QILISH FAOLIYATINI  
TASHKIL ETISH. ADVOKATURA

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.  
HUQUQBUZARLIK LARNING  
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.  
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.  
KRIMINALISTIKA,  
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQI VA  
SUD EKSPERTIZASI

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

- 75 **ҲАМИДОВ НУРМУҲАММАД ОРИФ ЎГЛИ**  
Хорижий давлатлар қонунчилигига айрим трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик хусусиятлари
- 91 **МАТЧАНОВ ФАХРИДДИН КУРАМБОЙ ЎГЛИ**  
Айрим хорижий давлатларда маҳқумларнинг моддий-маиший таъминоти билан боғлиқ масалалар таҳлили
- 100 **НОРОВА НАСИБА АЗАМАТОВНА**  
Понятие и значение соглашения о признании вины в уголовном процессе: международный и национальный аспект
- 109 **РУЗМЕТОВ БОТИРЖОН ХАЙИТБАЕВИЧ**  
Терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда тергов ҳаракатларини ўтказиш ва исботлашнинг долзарб масалалари
- 122 **ЧОРИЕВА ДИЛБАР МЕНГДАБИЛОВНА**  
Ишни судга қадар юритишда ҳимоя функциясининг процессуал табиити
- 132 **ВАЛИЖНОВ ДАЛЕР ДИЛШОДОВИЧ**  
Особенности развития международного сотрудничества органов прокуратуры Республики Узбекистан в рамках цифровой интеграции

## 12.00.12 – KORRUPSIYA MUAMMOLARI

141 САФАРОВ ТЕМУР УКТАМОВИЧ

Общие теоретические аспекты коррупции в органах государственного управления

## DAVLAT DASTURLARI

150 ХАМЕДОВ ИСА АХЛИМАНОВИЧ

О значении реформирования законодательства об административных процедурах в свете стратегических приоритетов развития страны

UDC: 342.9(042)(575.1)  
ORCID: 0000-0003-3406-0784

# ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛОВ ХУҚУҚЛАРИ БУЗИЛГАНЛИГИ ТҮҒРИСИДАГИ АРИЗА (ШИКОЯТ)ЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Нематов Жўрабек Нематиллоевич,  
Тошкент давлат юридик университети  
“Маъмурий ва молия хуқуқи” кафедраси  
доценти, юридик фанлар доктори

**Аннотация.** Мазкур мақолада фуқароларнинг энг муҳим сиёсий хуқуқларидан бирни бўлмиш сайлов хуқуқини амалга оширишнинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов хуқуқларини ҳимоя қилишининг хуқуқий механизmlари ҳамда бу хуқуқлар бузилганлиги түғрисидаги ариза (шикоят)ларни кўриб чиқиш тартибига оид хуқуқий масалалар таҳлили келтирилган. Шу билан бирга, сайлов соҳасига оид қонун ҳужжатларидаги янгиликлар билан бир қаторда сайлов хуқуқлари бузилганлиги түғрисидаги шикоятларни маъмурий ва суд тартибидаги кўриб чиқишнинг процессуал жиҳатлари тушунтирилган, суд тартибидаги шикоятларни кўриб чиқишга оид айрим хуқуқий муаммолар келтириб ўтилган. Мақолада, бундан ташқари, суд амалиёти асосида кейслар таҳлили келтирилган ва сайлов хуқуқларини ҳимоя қилишининг самарали механизmlари очиб берилган.

**Калим сўзлар:** сайлов, сайлов хуқуқи, шикоят (ариза), маъмурий тартиб, суд тартиби, суд тартибидаги шикоят (ариза)ларни кўриб чиқиш, сайлов хуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, Ўзбекистонда сайлов тизими, маъмурий суд, маъмурий суд иш юритуви, сайлов комиссиялари қарорлари, шикоят муддати, ариза (шикоят) талаблари.

## ПОРЯДОК РАССМОТРЕНИЯ ЗАЯВЛЕНИЙ (ЖАЛОБ) О НАРУШЕНИИ ИЗБИРАТЕЛЬНЫХ ПРАВ ГРАЖДАН В УЗБЕКИСТАНЕ

Нематов Жўрабек Нематиллоевич,  
доктор юридических наук, доцент кафедры  
“Административное и финансовое право”  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В статье анализируются некоторые аспекты реализации избирательного права – одного из важнейших политических прав граждан. В статье анализируются правовые вопросы, связанные с правовыми механизмами защиты избирательных прав граждан в Узбекистане и порядком рассмотрения заявлений (жалоб) о нарушениях избирательных прав граждан. В статье разъясняются процедурные аспекты административного и судебного рассмотрения жалоб о нарушениях избирательных прав, а также нововведения в избирательном законодательстве. Есть некоторые юридические вопросы, связанные с рассмотрением жалоб в суде. Представлен анализ дела на основе судебной практики. Определены действенные механизмы защиты избирательных прав.

**Ключевые слова:** выборы, избирательное право, жалоба (заявление), административный порядок, судебный порядок, рассмотрение жалобы (заявления) в суде, защита избирательного права, избирательная система Узбекистана, административный суд, административное судопроизводство (административный процесс), решения избирательных комиссий, срок подачи жалоб, требования к заявлению (жалобе).

## PROCEDURE FOR CONSIDERATION OF APPLICATIONS (COMPLAINTS) ON VIOLATION OF CITIZENS' ELECTION RIGHTS IN UZBEKISTAN

**Nematov Jurabek Nematilloevich**

Doctor of Laws,

Associate Professor at Administrative and Finance Law,  
Tashkent State University of Law

**Abstract.** This article analyzes some aspects of the accomplishing election right, one of the most important political right of citizens. The article provides an analysis of legal issues related to the legal mechanisms for the protection of citizens election rights in Uzbekistan and the procedure for consideration of applications (complaints) on violations of citizens election rights. The article explains the procedural aspects of administrative and judicial review of complaints about violations of election rights, as well as innovations in electoral legislation. There are some legal issues related to the consideration of complaints in court. Case analysis based on judicial practice is presented. Effective mechanisms for the protection of election rights have been identified.

**Keywords:** election, election right, complaint (application), administrative order, court procedure, consideration of complaints (application) in court, protection of election right, electoral system of Uzbekistan, administrative court, administrative court proceedings (administrative litigation), decisions of election commissions, complaint period, application (complaint) requirements.

Сайлов бугунги ривожланиб бораётган замонда ҳар бир фуқаронинг давлат бошқарувидаги иштирокини белгилаб берадиган муҳим сиёсий жараён ҳисобланади. Аввало, ҳокимияти халқ учун хизмат қиласи. Давлат ҳокимияти органлари ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқ номидан давлат бошқарувини амалга оширади. Демак, ҳар бир фуқаро унинг номидан давлат бошқарувини амалга оширувчи вакилни ўзи сайлаши керак.

Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги ариза (шикоят)ларни кўриб чиқиш тартиби юзасидан амалга оширилган илмий изланишлар нисбатан кам. Чунки Ўзбекистонда 2017 йилда маъмурий судлар ташкил этилди ва бу судларнинг зиммасига сайлов комиссиялари қарорлари (ҳаракатлари) юзасидан низолашибга оид ишлар

юкланди. Унга қадар бу тоифадаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган.

Гарчи мамлакатимизда Ш.З. Ўразаев, А.Х. Сайдов, А.А. Азизхўжаев, М.Э. Абдусаломов, Х.А. Абдурахманов, С.М. Адилходжаева, Д.Қ. Аҳмедов, Н.П. Азизов, М.А. Ахмедшаева, И.Р. Беков, М. Бойдадаев, Ш.Н. Бердияров, Қ.А. Джўраев, Ш.Х. Зулфиқоров, Г.Р. Маликова, Х.Т. Маматов, М.М. Миракулов, Ў.Ҳ. Мухамедов, Ф.А. Насриддинов, М.К. Нажимов, Н.М. Исмоилов, Г.С. Исмаилова, Х.Т. Одилқориев, А.Э. Рахманов, Д.Ф. Рахимов, Х.И. Рузметов, М.Х. Рустамбоев, Н.Ш. Сайд-Газиева, Ш.А. Сайдуллаев, А.Б. Собиров, И.Т. Тультеев, А.С. Турсунов, И.Т. Турғунов, О.К. Турғунов, Р.Р. Хакимов, Э.Х. Халилов, О.Т. Хусанов, Ш.У. Якубов ва бошқалар сайлов жараёни билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борган бўлса-да,

сайлов ҳуқуқларини маъмурий ва суд тартибида ҳимоя қилиш бўйича илмий ишланмалар ниҳоятда кам.

Мазкур мақолада формал юридик таҳлил, кейс-стади (case study) усулларидан фойдаланган ҳолда, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги ариза (шикоят)ларни кўриб чиқиш тартиби таҳлил қилинади.

Фуқаролар томонидан сайланиб, сайловда ғолиб чиққан маълум бир шахсга кейинги сайловларга қадар фуқароларнинг манфаатини кўзлаб, қонунларга риоя қилган ҳолда уларга хизмат қилиш учун ваколат берилади. Сайлов орқали фуқаро ўзига тегишли бўлган бошқарув ҳуқуқини маълум бир шахсга вақтинча, белгиланган муддатга топширади. Айнан мана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, сайловни мамлакатимизда рўй берадиган энг муҳим сиёсий жараёнлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз ҳоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади [1].

Сўнгги йилларда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча муҳим ислоҳотлар амалга оширилди [2]. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинди [3]. Сайлов қонунчилигидаги яна бир муҳим ўзгаришлардан бири Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси [4] қабул қилиниши билан боғлиқ бўлиб, ушбу кодекснинг қабул қилиниши билан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги ариза (шикоят)ларни кўриб чиқиш тартиблари ҳам такомиллаштирилди, деб айтишимиз мумкин.

**Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизmlари мазмун-моҳияти.** Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини шартли равища иккига бўлиб ўрганиш мумкин. Булар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг пассив (салбий) ва актив (ижобий) ҳуқуқий механизmlаридир.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг пассив (салбий) ҳуқуқий механизмига сайлов қонунчилиги бузилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси [5] ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси [6] билан ўрнатилган жавобгарликнинг келиб чиқиши киради. Бунда содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки қилмиш учун жавобгарликка тортилиши орқали билвосита тарзда ҳуқуқи бузилган фуқаронинг сайлов ҳуқуқларини пассив тарзда ҳимоя қилишга эришилади. Яъни жавобгарликка тортилиш орқали бошқа шахслар томонидан худди шундай ҳуқуқбузарлик ёки қилмиш содир этилишининг олди олинади. Бу эса, албатта, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига олиб келади. Бироқ, таъкидлаш жоизки, бундай ҳолларда ҳар доим ҳам фуқаролар ўз ҳуқуқини фаол тарзда ҳимоя қила олмайди. Чунки тегишли маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ваколатли давлат органларига ҳавола қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг V-1 боби сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик деб номланиб, унда жами 8 та модда келтириб ўтилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashiш (51-2-модда); Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов ко-

миссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини бажармаслик (51-3-модда); номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг хуқуқларини бузиш (51-4-модда); сайловолди ташвиқотни, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш (51-5-модда); номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш (51-6-модда); сайловга ёки референдумга тайёргарлик қўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиши жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасдан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасдан шикаст етказиш (51-7-модда); сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш (51-8-модда); жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш (51-9-модда) кабилар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг фуқароларнинг конституцияий хуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятларга бағишиланган VII бобида ҳам (бобнинг номи – Жиноятда иштирокчилик) сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш (146-модда), сайлов хуқуқи ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (147-модда) учун жиноий жавобгарлик ўрнатилганини кўришимиз мумкин.

Фуқароларнинг сайлов хуқуқларини ҳимоя қилишнинг актив (ижобий) хуқуқий механизмлари деганда, бевосита хуқуқи бузилган шахснинг хуқуқини қонун доирасида тўғридан-тўғри ҳимоя қилиш орқали тиклаш тушунилади. Ўз навбатида, фуқароларнинг сайлов хуқуқларини ҳимоя қилишнинг актив (ижобий) хуқуқий механизмларининг икки тартиби мавжуд. Бири – маъмурий тартиб бўлса, иккинчи-

си – суд тартибида фуқароларнинг сайлов хуқуқларини ҳимоя қилишdir.

Ўзбекистон Республикасида сайлов хуқуқларини маъмурий тартибида ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қонун сифатида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексини келтириб ўтиш мумкин.

Жумладан, Сайлов кодексининг 101-моддасига кўра, сайлов комиссиялари томонидан жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишининг қуидаги тартиби ўрнатилган:

*– сайлов комиссиялари сайлов кампаниясини ўтказиши даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг ушбу Кодекс талаблари бузилганлиги ёки сайловни ташкил этишининг бошқа масалалари хусусида ўзига келиб тушган мурожаатларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиши, ушбу мурожаатлар бўйича текширувлар ўтказиши ва уч қунлик муддатда уларга ёзма жавоблар бериши, сайловга камидা олти қун қолганда ёки овоз бериш қуни келиб тушган мурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқиб, жавоб қайтариши шарт.*

Мурожаатлар қайдлов дафтарида рўйхатга олиниши лозим.

Сайлов комиссиясининг раиси мурожаатни кўриб чиқиши ва унга доир қарор қабул қилиши учун ушбу Кодексда белгиланган муддатларда тегишли комиссия чақиради ва мажлис ўтказади. Мажлисга манфаатдор шахслар таклиф этилиши мумкин.

Участка сайлов комиссияси қўйилган масалаларни ҳал этиши ўз ваколатига кирмаслиги сабабли мурожаатни уч қун муддатда тегишли органларга юборади ва бундан мурожаат юборган шахсни хабардор қиласади.

Мурожаатни кўриб чиқсан сайлов комиссиялари аъзолари уни кўриб чиқиши натижалари ва қабул қилинган қарор тўғрисида мурожаат юборган шахсни хабардор қилиши шарт.

Фуқароларнинг сайлов хуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд тартиби ҳам актив (ижобий) хуқуқий механизм сифатида са-

марали ҳисобланади [7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15].

Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишга қаратилган иккита муҳим қонун мавжуд. Булар – Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс. Мазкур қонунларда сайлов ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишга оид бир қанча қоидалар келтириб ўтилган. Жумладан, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасида маъмурий судларга сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар тааллуқли эканлиги қайд этиб қўйилган. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 30-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция суди сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқади.

Сайлов кодексида Ўзбекистон Республикасида сайловни ўтказиш принциплари, сайлов ўтказилиш тартиби, номзодликка қўйиш тартиби, сайлов иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайловолди ишларни амалга ошириш тартиби ва муддатлари, шунингдек, овоз бериш жараёнида амал қилиниши керак бўлган тартиб-қоидалар, сайлов натижаларини эълон қилиш тартиби аниқ-равshan қилиб белгилаб қўйилган. Бу эса сайловчиларнинг сайлов тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қиласди.

Сайлов кодексининг қабул қилиниши билан мамлакатимизда сайлов ўтказишнинг қатъий тартиби белгилаб қўйилди. Шундай экан, ушбу қонун-қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик ҳам белгилаб қўйилган.

Хорижий мамлакатларда ҳам сайлов ҳуқуқлари юзасидан судга шикоят қилиш ҳуқуқлари назарда тутилган. Жумладан, Россия Федерацияси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг [16] 239-моддасида сайловчилар ўзларининг сайлов ҳуқуқлари бузилиши юзасидан давлат органлари, улар мансабдор шахслари, сайлов комиссиялари қарорлари, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиши мумкинлиги келтириб ўтилган.

Бироқ, шуни тан олиш лозимки, Россия Федерацияси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 239-моддасида сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳар бири қайси масалалар юзасидан судга шикоят қилиши мумкинлиги бир-биридан ажратилган ҳолда берилганини кўриш мумкин. Мисол учун, кузатувчилар, сайлов комиссияси аъзолари, номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари, прокурорнинг ҳам судга маъмурий даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкинлиги назарда тутилган. Умуман олганда, сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид алоҳида боб, яъни 24-бобда 239–244-моддалар доирасида мурожаат қилувчи шахслар доираси (239-модда), мурожаат қилиш муддатлари (240-модда), иш кўриш муддатлари (241-модда), иш юритишни тугатиш (242-модда), иш юритиш билан боғлиқ бошқа масалалар (243-модда) ва ҳал қилув қарорини қабул қилишга (244-модда) оид масалалар бағафсил тартибга солинганини кўриш мумкин.

Ушбу жиҳатларни Ўзбекистон қонунчилиги билан таққослаганда, шунга амин бўламизки, сайлов ҳуқуқлари бузилишига оид масалалар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида алоҳида бобда бағафсил тартибга солинишини тақозо қилмоқда. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги

ариза (шикоят)ларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришда хорижий тажрибани ҳам етарлича инобатга олиш лозим.

**Судга шикоят қилиш тартиби.** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексида сайлов комиссияси қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби ҳам белгилаб қўйилган.

Сайлов кодексининг 102-моддасига кўра, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичida юқори турувчи сайлов комиссияси ёки судга шикоят қилиши мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичida Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичida, сайловга камидан олти кун қолганда эса дарҳол кўриб чиқилиши керак. Шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқиша бевосита иштирок этиш хукуқига эга.

Сайлов хукуқлари бузилиши юзасидан тегишли сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари ёки қарорлари устидан маъмурий судга шикоят қилиш мумкин. Бунда тегишли сайлов комиссияси қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ёки тегишли сайлов комиссияси хатти-ҳаракатини қонунга хилоф деб топишни сўраб маъмурий судга шикоят қилиниши мумкинлигига эътибор берилиши лозим.

Бироқ, шуни айтиб ўтишимиз керакки, такорий сайлов ўтказиш, сайловларни ҳақиқий эмас деб топиш, сайловни ўтмаган деб топиш маъмурий суд ваколатига кирмайди. Шунга кўра, бундай талаблар билан маъмурий судга шикоят қилиб бўлмайди. Маъмурий судлар фақат тегишли сайлов комиссиялари қарорларини ҳақиқий эмас, хатти-ҳаракатини қонунга хилоф деб топиши мумкин.

Сайлов кодексига кўра, такорий сайлов ўтказиш, сайловни ўтмаган, ҳақиқий эмас деб топиш фақатгина тегишли сайлов комиссиясининг ваколатига киради. Аммо бу ҳолатда фақатгина битта сайлов участкаси ёки округида сайлов ўтмаган деб топилган бўлса, агар ушбу сайлов участкаси ёки округи сайлов натижаларисиз ҳам сайлов ўтган деб ҳисоблаш мумкин бўлса, у ҳолда тегишли сайлов комиссияси томонидан ушбу участка сайлов натижалари ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Бу борада Ўзбекистонда ҳам тегишли суд амалиёти мавжуд.

**Кейс № 1.** Аризачи Баҳромов Ф.Ф. судга Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 4-Лутфий номли участка сайлов комиссиясининг 2019 йил 22 декабрдаги 19-сонли ноқонуний қабул қилинган қарорини Сайлов кодексининг кўплаб бузилишларини инобатга олган ҳолда бекор қилишни сўраб мурожаат қилган. Чилонзор туманидаги 631-сонли участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан йўл қўйилган бир неча қонун бузилишлар ва депутатликка номзод Мамадалиев А.А. билан участка сайлов комиссияси аъзоларининг манфаатлар тўқнашувини инобатга олган ҳолда, Сайлов кодекси 96-моддасига биноан, 631-сонли сайлов участкасида сайловлар пайтида овоз бериш натижаларига таъсир кўрсатган қонун бузилишлари сабабли участка сайлов комиссиясида ўтган сайловни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Шунингдек, аризачи Баҳромов Ф.Ф. сайловларнинг умумий натижаларидан 631-сонли сайлов участкасининг натижаларини чиқариб ташлаб, энг кўп овоз тўплаган номзодлар учун иккинчи турни ташкиллаштиришни сўраган.

Бироқ маъмурий суд томонидан мазкур ариза иш юритишга қабул қилиниши рад этилган. Асос сифатида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 133-моддаси биринчи қисмининг 1-банди, яъни мазкур

ишнинг маъмурий судга тааллуқли эмас-лиги келтириб ўтилган.

Бундан кўринадикуи, Сайлов кодексига кўра, сайловни ҳақиқий эмас деб топиш фақатгина тегишли сайлов комиссиясининг ваколатига киради. Бундай талаб билан маъмурий судга мурожаат қилиб бўлмайди.

**Кейс № 2.** Аризачи F. “22.12.2019 йилда ўтказилган сайлов натижаларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги” ариза билан Шеробод туман маъмурий судига мурожаат қилган. Бироқ маъмурий суд томонидан мазкур ариза иш юритишга қабул қилиниб, 2020 йил 9 январдаги ҳал қилув қарори билан аризачи F. нинг шикоят аризаси қаноатлантирилган.

Бироқ, фикримизча, маъмурий суд томонидан мазкур ариза иш юритишга қабул қилинмаслиги лозим эди. Асос сифатида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг (МСИЮтК) 133-моддаси биринчи қисмининг 1-банди, яъни мазкур ишнинг маъмурий судга тааллуқли эмаслигини келтириб ўтиш мумкин. Зоро, Сайлов кодексига кўра, сайлов натижаларини ҳақиқий эмас деб топиш фақатгина тегишли сайлов комиссиясининг ваколатига киради. Бундай талаб билан маъмурий судга мурожаат қилиб бўлмайди.

Юқоридаги амалий мисоллардан шуни кўришимиз мумкинки, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд тартиби ҳам ўзига хос маълум бир талаб ва шартларга эга. Мазкур қоидаларга риоя қилмаслик эса фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишда судга мурожаат қилиш муддатларига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим. Зоро, тегишли муддат ўтгандан кейин қилинган ариза (шикоят) қаноатлантирилмаслиги мумкин.

Сайлов кодексининг 102-моддасига кўра, сайловчилар сайлов комиссияла-

рининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида юқори турувчи сайлов комиссияси ёки судга шикоят қилиши мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиш имкони мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарори 18-бандида маъмурий органлар ва улар мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш тўғрисидаги ишларни кўришда суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг даъво муддати тўғрисидаги нормаларини қўллашга ҳақли эмас ва фақат МСИЮтК ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларда назарда тутилган муддатларгагина асосланиши кераклиги келтирилган [17].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 19-бандига кўра, аризанинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар ўтганидан кейин берилиши уни қайтариш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолларда ариза иш юритишга қабул қилиниб, мазмунан кўриб чиқилиши лозим.

Суд ҳар бир иш бўйича аризанинг қонун билан белгиланган муддатда судга мурожаат қилганини текшириши, бу борада қонун бузилиши ҳолати аниқланганда, манфаатдор шахс ушбу ҳолатга эътибор қаратганлигидан қатъи назар, мурожаатнинг ўтказиб юборилиши сабабларини муҳокама қилиши лозим.

Судга мурожаат қилиш муддати аризачига қўйидагилар маълум бўлган куннинг эртасидан бошланади:

– унинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги;

– унинг хуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда тўсиқлар вужудга келтирилганлиги;

– унинг зиммасига бирор-бир мажбурият юкландганлиги.

Судга мурожаат қилиш муддатига риоя қилиниши масаласи ишни тўғри ҳал қилишда муҳим ўрин тутиши сабабли уни тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисидаги хulosалар, МСИЮтК 156-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, суднинг ҳал қилув қарорида асослантирилиши лозим.

Агар судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилган ёки ўтказиб юборилган муддатни тиклаш суд томонидан рад этилган бўлса, ариза қаноатлантирилмайди.

Бундан кўринадики, сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичida юқори турувчи сайлов комиссияси ёки судга шикоят қилиши мумкин. Мазкур муддатга риоя қилмаслик ариза (шикоят)нинг қаноатлантирасдан қолдирилишига асос бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг сайлов хуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишда ариза (шикоят) шаклига ҳам етарлича эътибор қартиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 15-бандига кўра, қарорни ҳақиқий эмас деб топиш, ҳаракатни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) МСИЮтК 128-, 187-моддаларига мувофиқ расмийлаштирилиши ҳамда қонунда белгиланган тартиб ва миқдорда давлат божи тўланган бўлиши лозим. Ариза (шикоят) шакли ва мазмунига нисбатан МСИЮтК 187-моддасида белгиланган талабларни инобатга олиб, унда, жумладан, қуйидагилар кўрсатилиши керак:

– қандай қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) устидан шикоят қилинаётганлиги;

– маъмурий органнинг номи;

– мансабдор шахснинг фамилияси ва исм-шарифининг бош ҳарфлари;

– қарорнинг реквизитлари;

– аризачининг аниқ қандай хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги;

– аризачининг фикрига кўра, унинг устидан шикоят қилинаётган қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) қайси қонун ҳужжатига зид эканлиги;

– шунга ўхшаш шикоят бўйсунув тартибида юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга берилган-берилмаганлиги ва агар берилган бўлса, қандай жавоб олинганлиги.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 15-бандига кўра, аризага (шикоятга) МСИЮтК 130-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек, низолашилаётган қарор нусхаси илова қилинади. Бироқ МСИЮтК 134-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, аризага қарорни илова қилмаслик аризани қайтаришга асос бўлмайди. Суд низолашилаётган қарорни аризачининг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан маъмурий органдан талаб қилиб олишга ҳақли.

Бундан кўринадики, фуқаролар томонидан судга мурожаат қилинганда, тегишли сайлов комиссияларининг қарорларини аризага илова қилмаслик аризани қайтаришга асос бўлмас экан.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 142-моддасига кўра, сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам ваqt қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Шикоят суд томонидан аризачи ва тегишли сайлов комиссиясининг вакили, шунингдек, прокурорни, агар шикоят ари-

зачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам чақирган ҳолда кўриб чиқилади. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишига тўсқинлик қilmайди.

Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли сайлов комиссияси ва аризачига топширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 167-моддасига кўра, сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларга доир ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, янги сайлов қонунчилиги сайловларнинг очик, ошкора, адолатли ўтишини таъминлаб беради. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир нечта муҳим жиҳатларни эътиборга олиш лозим. Аввало, сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг пассив ва актив кўринишлари мавжуд. Актив кўринишнинг икки хил шакли – маъмурий ва суд тартиби фарқланади. Суд тартибida мурожаат

қилишда тегишли сайлов комиссиялари қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ёки сайлов комиссиялари ҳаракатларини қонунга хилоф (файриқонуний) деб топиш юзасидан ариза (шикоят) маъмурий судга берилади. Ариза (шикоят) талабларини тўғри шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Такрорий сайлов ўтказиши, сайловларни ҳақиқий эмас деб топиш, сайловни ўтмаган деб топиш маъмурий суд ваколатига кирмайди. Шунга кўра, бундай талаблар билан маъмурий судга шикоят қилиб бўлмайди. Ариза (шикоят) тегишли ҳуқуқлар бузилишини билган пайтдан бошлаб беш кун ичida берилиши мумкин. Мурожаат ўз вақтида қилинмаса, ариза (шикоят)ни қаноатлантириш рад этилади. Шу каби процессуал қоидаларга риоя этилиши, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари ҳамда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги ариза (шикоят)ларни кўриб чиқиш тартибини билиш энг муҳим конституциявий ҳуқуқлардан бири бўлмиш сайлов ҳуқуқини самарали ҳимоя қилишни таъминлайди.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitusiyasi. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 09.02.2021 y., 03/21/670/0089-son, 09.02.2021 y., 03/21/671/0093-son.
2. Nematov J. Saylov qonunchiligiga oid sud ishlarini yuritishning o'ziga xos xususiyatlari. Odil sudlov jurnali. 2019. № 11. B. 12–16.
3. O'zbekiston Respublikasining Saylov kodeksi. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 26.06.2019 y., 03/19/544/3337-son; 09.02.2021 y., 03/21/670/0089-son.
4. O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy sud ishlarini yuritish to'g'risidagi kodeksi. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 13.01.2021 y., 03/21/662/0012-son.
5. O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksi. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 13.01.2021 y., 03/21/665/0015-son, 15.01.2021 y., 03/21/666/0032-son, 15.01.2021 y., 03/21/667/0035-son, 13.02.2021 y., 03/21/673/0112-son.
6. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 15.01.2021 y., 03/21/667/0035-son, 13.02.2021 y., 03/21/673/0112-son, 18.02.2021 y., 03/21/675/0126-son.
7. Nematov J. (2020). Transformation of soviet administrative law: Uzbekistan's case study in judicial review over administrative acts. Administrative Law and Process, (1(28), 105-125.

8. Nematov, N. (2020). Would the new administrative court system be milestone to change post-soviet administrative law in Uzbekistan? Review of law sciences, (4), 16-20.

9. ウズベキスタン行政法における新改革: 課題とその解決 (特集 ウズベキスタンにおける行政法改革). J Nematov - ICD news: 法務省法務総合研究所国際協力部報, 2018(6). 29-38. (Nematov J. (2018). New administrative law reforms in Uzbekistan: problems and their solutions. ICD news 2018(6). 29-38. [In Japanese]).

10. ウズベキスタンにおける行政裁判制度の法的諸問題 (6・完) 旧ソ連における行政に対する司法審査との比較研究. ネマトフ・ジュラベック - 名古屋大学法政論集, 2017(271). 127-155. (Nematov, J. (2017). Legal Problems of the Judicial Review on Public Administration in the Uzbekistan. A Comparative Study in Judicial Review on Public Administration in the former Soviet Union-(6). Journal of Law and Politics, (271), 127-155. [In Japanese]).

11. ウズベキスタンにおける行政裁判制度の法的諸問題 (5) 旧ソ連における行政に対する司法審査との比較研究. ネマトフ・ジュラベック - 名古屋大学法政論集, 2016 (268). 247-269. (Nematov, J. (2016). Legal Problems of the Judicial Review on Public Administration in the Uzbekistan. A Comparative Study in Judicial Review on Public Administration in the former Soviet Union-(5). Journal of Law and Politics, (268), 247-269. [In Japanese]).

12. ウズベキスタンにおける行政裁判制度の法的諸問題 (4) 旧ソ連における行政に対する司法審査との比較研究. ネマトフ・ジュラベック - 名古屋大学法政論集, 2016 (267). 161-192. (Nematov, J. (2016). Legal Problems of the Judicial Review on Public Administration in the Uzbekistan. A Comparative Study in Judicial Review on Public Administration in the former Soviet Union-(4). Journal of Law and Politics, (267), 161-192. [In Japanese]).

13. ウズベキスタンにおける行政裁判制度の法的諸問題 (3) 旧ソ連における行政に対する司法審査との比較研究. ネマトフ・ジュラベック - 名古屋大学法政論集, 2015 (263). 323-356. (Nematov, J. (2015). Legal Problems of the Judicial Review on Public Administration in the Uzbekistan. A Comparative Study in Judicial Review on Public Administration in the former Soviet Union-(3). Journal of Law and Politics, (263), 323-356. [In Japanese]).

14. ウズベキスタンにおける行政裁判制度の法的諸問題 (2) 旧ソ連における行政に対する司法審査との比較研究. ネマトフ・ジュラベック - 名古屋大学法政論集, 2015 (261). 195-224. (Nematov, J. (2015). Legal Problems of the Judicial Review on Public Administration in the Uzbekistan. A Comparative Study in Judicial Review on Public Administration in the former Soviet Union-(2). Journal of Law and Politics, (261), 195-224. [In Japanese]).

15. ネマトフ, ジ., Nematov, J. (2014). ウズベキスタンにおける行政裁判制度の法的諸問題 (1) : 旧ソ連における行政に対する司法審査との比較研究. 名古屋大学法政論集, 2014 (259). 247-275. (Nematov, J. (2014). Legal Problems of the Judicial Review on Public Administration in the Uzbekistan. A Comparative Study in Judicial Review on Public Administration in the former Soviet Union-(1). Journal of Law and Politics, (259), 247-275. [In Japanese]).

16. Kodeks administrativnogo sudoproizvodstva Rossiyskoy Federasii ot 08.03.2015 N 21-FZ (red. ot 08.12.2020).

17. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2019-yil 24-dekabrdagi "Ma'muriy organlar va ular mansabdor shaxslarining qarorlari, harakatlari (harakatsizligi) ustidan shikoyat qilish to'g'risidagi ishlarni ko'rib chiqish bo'yicha sud amaliyoti haqida"gi 24-sonli qarori.